

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКА-
ДЕМИЯСИ**

ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

ТЎЛҚИН АЛИМАРДОНОВ

**РАҲБАРНИНГ АХЛОҚИЙ
ҚИЁФАСИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ
МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ” НАШРИЁТИ**

ТОШКЕНТ - 2010

65.050.2
А50

Т.Алимардонов. Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси. – Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2010

ББК 65.050.2
УДК: 1744 (075)

Мазкур рисола раҳбар ахлоқи, унинг бошқарув тизимига таъсири, турли соҳаларни идора қилишда ахлоқий муносабатларнинг ўрни, уларнинг моҳияти, тарихи, ижтимоий аҳамияти, индивидуал ва умумий кўринишлари, белгилари ҳамда қонуниятлари, технологиялари ва механизмлари каби масалаларга бағишланган. Унда раҳбарга хос индивидуал ва умумий ахлоқ меъёрлари, ахлоқий менталитет, раҳбарнинг ахлоқий имиджи, шунингдек, бошқарув ахлоқининг амалий ва назарий муаммолари, унинг тадқиқот объектлари, уларни тадқиқ этиш бўйича мавжуд вазифалар юзасидан тингловчиларнинг билим ва малакасини ошириш кўзда тутилади.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д, проф. Қ.Назаров
Тақризчилар: с.ф.д, проф. И.Эргашев, с.ф.д. Ф.Равшанов,
ф.ф.н, доц. Ш.Ризаев

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасининг БВ-Ф8-071 “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизатсия ва ислоҳ қилиш жараёнида миллий гояни раҳбар кадрлар онгига сингдиришда этник ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигининг илмий-назарий асослари” ҳамда ИТД-3-049-“Тафаккур янгилашиши ва ислоҳотлар изчиллигини таъминлашда маънавий мезонларнинг аҳамиятини ўрганиш” мавзусидаги лойиҳалар борасида тайёрланган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
Раҳбар ахлоқини ўрганишнинг мақсад ва вазифалари	7
.....	24
Раҳбар қиёфасининг ижтимоий-ҳуқуқий мезонлари	56
Раҳбар ва ходим муносабатининг ахлоқий меъёрлари	79
ХУЛОСА	103
Адабиётлар рўйхати	110

*Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан
покланиши, ислоҳотларнинг тақдири, халқимизнинг
фаровонлиги биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг
малакасига, фидойилигига, юртпарварлиги ва иймону
этиқодига боғлиқ*

И.А.Каримов

КИРИШ

Инсоният узлуксиз равишда жавоб қидириб келаётган бошқарув ахлоқи асосларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари энг қадимий ва шунинг билан биргаликда энг новқирон муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги дунёнинг замонавий муаммоларини ҳал қилишга интилиш, техникага боғлиқ замонавий фанлар билан бир қаторда, асрлар давомида алоҳида аҳамият берилмаган, лекин қадимий илдишларга эга бўлган бир қатор соҳаларга ва айрим шаклланиб улгурган фанларга кучли диққат-эътибор қаратиш лозим эканлигини ошкор қилиб қўйди. Айни пайтда узок вақтлардан буён чорасиз қолаётган кўпгина ижтимоий қусурларга ёки қолоқликларга барҳам бериш раҳбаршунослик ва унинг таркибий қисми бўлган раҳбар ахлоқи масалаларини илмий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва фан нуқтаи назаридан тадқиқ этиш зарурлигини талаб этмоқда. Зеро, давлатчилик тарихи кўрсатадики, кишилиқ жамиятининг истиқболи халқнинг етакчилари олдига ҳамиша улуғвор вазифаларни қўйган, унинг ечимини топиш, халқ ва унинг давлатини, шаънини ҳимоя қилиш, жамият барқарорлиги ва ривожини таъминлаш миллатнинг салоҳиятли бошқарувчи фарзандлари ватанпарварлигига, уларнинг маҳорати ва шижоатига, буларнинг барчасини қамраб олувчи ахлоқий намунасига боғлиқ бўлган.

Ўз моҳият-мазмунига кўра бу масала бугунда аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, раҳбар шахснинг давлат ва жамият ривожигаги ўрни ва роли, зиммасидаги вазифа ва масъулият кулами давлат хизматидаги бошқарув лавозимлари қисқаргани сари янада кенгаймоқда. Бу эса шундай шароитда раҳбар шахсларнинг ахлоқ тамойилларини давр талабларига мувофиқлаштириш, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида такомиллаштириш масалаларини янада долзарблаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақиллигимизнинг илк даврлариданок раҳбар ахлоқи, масъулияти масалаларига кўп бора мурожат қилган, турли соҳаларда фаолият кўрсатган кўплаб раҳбарларнинг салбий ва ижобий тажрибаларини таҳлил қилиш жараёнида раҳбар ахлоқи билан боғлиқ қатор фазилатлар мазнунини очиб беради. Жумладан, у шундай дейди: «Бугун ислоҳотларнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқ... Раҳбарлик – лавозим, мансаб эмас, аввало,

одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур... Агар мансабдор, раҳбарлик лавозимида ўтирганлар ташаббус кўрсатиб, жонкуярлик қилиб, курашга аввало ўзи бел боғласа, халқимиз ҳар доим ёрдамга чиқади»¹. Аслида масаланинг ахлоқий моҳияти ҳам шу мулоҳазаларда ўз ифодасини топган. Зеро, раҳбар ўзига юкланган вазифалардан бўйин товласа, ўз масъулиятини суиистеъмол қилса, бундай ҳатти-ҳаракатлар соҳиби ахлоқсиз шахс эканлигидан далолат беради. Яъни ахлоқ раҳбар фаолияти меъёрларини белгиловчи, унга баҳо берувчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Раҳбар фаолиятининг ижтимоий функцияси фуқаролар олдида жавобгар ва масъул шахс мақомини юклайди. Мазкур мақомнинг ҳуқуқий асоси жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг мафаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»² деб, белгиланган. Мазкур вазифаларни бажармаслик, нафақат ҳуқуқий балки ахлоқ масаласи доирасига киради. Лекин, муаммонинг долзарлиги шундаки, раҳбар фаолиятининг самара ва натижаларини назорат қилувчи ҳуқуқий меъёрлар белгиланган бўлсада, уларнинг ахлоққа муносабати норматив талаблар қаторига киритилмаган. Яъни амалга оширилган ишлар самараси эришилган натижаларнинг моддий ва маънавий даражаларига кўра баҳолансада маънавий ва ахлоқий жиҳатларига кўра баҳоланмайди. Масалан, тадбиркор раҳбарнинг кўполлиги ёки зўғум ва зўравонликка мойил бўлиши, билимли раҳбарнинг адолатсиз, таъмагир бўлиши, мулойим раҳбарнинг кузбўямачи-айёр ва ваъдабоз бўлиши, сўзамол, хўшбичим, серғайрат, уддабўрон раҳбарнинг лўттибоз, ҳиёнатчи бўлиши каби салбий иллатларни қандай қилиб ҳуқуқий меъёрлар асосида жавобгарликка тортиш мумкин? Ёки шундай салбий сифатларга эга шахсларни аниқлаш, раҳбарлик вазифаларидан четлаштириш, аксинча, етакчилик салоҳиятига эга, фидойи раҳбарларни танлаш, уларни раҳбарлик вазифаларига тавсия қилиш, турли бўҳтонун-маломатлардан ҳимоя қилишнинг қандай ҳуқуқий-ахлоқий мезонлари бор? Демак, раҳбар ўз вазифасини нафақат ижро этиши балки, уни қандай ижро қилиши ҳам муҳим масала. Раҳбаршунослик фанларида ана шундай муаммолар борки, уларнинг илмий-амалий ечимини топиш ва амалга татбиқ этиш бугун ўта муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасида бундай муаммолар илмий жиҳатдан ўз таълимотларига ва амалий ифодасига эга. Умуман эса, бугун бу муаммолар фан учун янгилик эмас. Бугунги замондош айрим давлатларда ўз ривожланиш истиқболлари ва миллий-маънавий хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур масалаларнинг ечимларини шакллантириш, унга амал қилиш тартибларини ишлаб чиқиш устида ишлар олиб борилган. Масалан, АҚШда 1978 йилда “Ҳуқумат этикаси ҳақида” қонун қабул қилинган бўлса, 1989

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 жилд. – Т., «Ўзбекистон», 1996. – 380 б.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тош. «Янги аср авлоди», 2008, Б.4

йилга келиб эса “Одоб-ахлоқ меъёрларини ислоҳ қилиш ҳақида”ги қонун кучга кирган. 1990 йилнинг октябрида 1989 йилдаги қонун АҚШ Президентининг “Мансабдор шахслар ва давлат аппарати хизматчиларининг хулқ-атвори этикаси тамойиллари” фармони билан мустаҳкамланган. Шунингдек, АҚШда раҳбар кадрларни ислоҳ қилиш жараёнида “1978 йилги ҳукумат этикаси” бўйича кўмита ташкил этилган. Францияда эса 1991 йилдан бошлаб раҳбар кадрлар одоб-ахлоқи қоидаларига³ амал қилишга доир қонунларга доимий равишда амал қилиб келинмоқда. Буюк Британия парламентининг Жамоалар палатасида ахлоқ андозалари бўйича махсус парламент ҳайъати тузилган². Бундай мисолларни ривожланган давлатлар тажрибасидан кўплаб келтириш мумкин.

Кўриб турганимиздек, раҳбар фаолияти ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий тизимларини ташкил этишдан ташқари бевосита ахлоқий муносабатлар билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. У нафақат раҳбарни, балки, жамият фуқароларини ҳам ахлоқий нормалар асосида бирлаштириш, ягона мақсад сари сафарбар эта олишга қаратилади. Шунинг учун ҳам асрлар силсиласида ватанга хизмат қилиш, адолатлилик, фидойилик, инсонпарварлик каби ахлоқий фазилатлар раҳбар фаолиятининг етакчи мезоларидан бўлиб, у давлатчиликни мустаҳкамлаш, унинг ривожланишини таъминлаш омили сифатида хизмат қилган. Жамият тафаккурининг шаклланиши, инсон қалбидаги адолат, тинчлик, озодлик, поклик каби кўплаб туйғуларнинг умумхалқ туйғуларига, маданиятига айланишига катта таъсир кўрсатган.

Давлат хизматидаги раҳбарларнинг ҳокимиятни бошқариш ва бунда ахлоқий ҳатти-харакатлари билан наъмуна бўлиш талаби қадимий давлатчилик маданиятимиз билан бевосита боғлиқ кадриятларимиздан бири ҳисобланади. Зеро, раҳбарнинг халқпарвар ва адолатпарвар бўлиши давлатнинг истиқболи ва ривожини белгилаб келган. Бу борада бобомиз Муҳаммад Қози шундай дейди: - « У (раҳбар) шуни билсинки, амирлик мансаби ва ҳукумат бир восита бўлиб, бу восита орқали абадий саодат ва эзгу ном кўлга киритилади. Даврон подшоҳлари ва ҳокимларининг аксари фоний дунёнинг бевафо давлатига мағрур бўлиб, нафслари учун ўз динини вайрон қиладилар ва беномусликлари туфайли иймонни шамолга учирадилар»⁴. Дарҳақиқат, ҳокимиятнинг обрўйи, нуфузи уни бошқарётган шахслар ахлоқи билан боғлиқ эканлиги туғрисидаги қарашлар қадимий кадриятларимиздан ҳисобланади. Давлат хизматчисининг ахлоқий қиёфаси, бошқарувни ахлоқий кадриятлар асосида ташкил этишни такомиллаштиришда бундай ўлмас меросимиз замонавий давлатчилигимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аммо, раҳбарнинг фуқароларга, фуқароларнинг давлатга бўлган ўзаро ишончи ва ҳамкорлик муносабатларини ташкил этиш, қолаверса,

³ Машарипов И.Б. Маънавий омилларнинг раҳбар кадрлар касбий маданиятини шакллантиришдаги ўрни. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2009, -Б.17.

⁴ Муҳаммад Қози. Ҳуқмдорга ўғитлар. -Т.: Шарқ, 1999. Б-26.

ҳокимиятнинг ички муносабатларни соғлом ахлоқий қоидалар асосида қуришда айрим зиддиятли қарашлар ҳам мавжуд. Бундай зиддиятлар раҳбарнинг ўз вазифаси доирасида адолат ва қонун тамойилларига амал қилишида, ижтимоий фаолиятига, шахсий фазилатларига боғлиқ муносабатларда намоён бўлади. Зеро, ҳокимият доимо сиёсий ва молиявий эркинлик манбаи бўлганлиги учун унинг “хушторлари” кўп бўлади. Бундай имконият ва воситаларга эгалик қилиш, уни ўз манфаати йўлида фойдаланиш истаги сақланиб келмоқда. Бу биринчи сабаб. Раҳбарнинг ахлоқий қадриятларга амал қилиш борасидаги зиддиятнинг иккинчи сабаби, у яшаётган ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳит. Агар ишлаб чиқариш муносабатлари замонавий технологиялар асосига қурилмаган бўлса, иқтисодий тақсимот мезонларига амал қилинмаса, ҳуқуқий муносабатлар шаклланмаган бўлса бу бошқарув маънавиятининг саёзлигини ифодалайди. Маънавий саёзлик ҳолатида эса раҳбар фаолиятига ахлоқий талаб ва қадриятларни татбиқ этиб бўлмайди. Бундай шароитда бошқарувчи ва бошқарилувчилар ўртасидаги илғор ўзаро маданий-ахлоқий муносабатлар тартиби ишламайди. Оқибатда, халқда ҳам, бошқарув тизими раҳбар ва ходимларида ҳам фаровонликка эришиш мақсадида тарафкашлик, талончилик, таъмагирлик, порахўрлик орқали манфаатларини қандай бўлсада қондириш кайфияти ҳукмронлик қилади. Бундай ҳолатни тартибга солишдан кўра, айрим раҳбарлар учун муроса йўлини танлаш осон кечади. Шунинг учун, ҳокимиятга ва унинг лавозимларига эгалик қилиш ёхуд унга интилиш ҳуфиёна йўллар орқали эришиш иштиёқи ортади. Бу эса, ўз ўрнида носоғлом кучларнинг ҳокимият ёки раҳбарлик лавозимларига келишига – ахлоқсиз муҳитнинг қарор топишига олиб келади.

Мазкур рисолада асосий эътибор раҳбар ахлоқи билан боғлиқ бўлган мавжуд илмий ва назарий таълимотларни умумлаштиришга, миллий хусусиятлар асосида такомиллаштиришга ва тегишли тавсия ҳамда кўрсатмалар беришга қаратилган. Айни вақтда рисола раҳбар фаолиятини самарали ташкил этишда ахлоқнинг тутган ўрнини илмий-назарий жиҳатлардан тадқиқ этиш, олинган натижаларни амалдаги бошқарув тизими эътиборига ҳавола қилиш йўлидаги дастлабки, кичиб бир ўриниш ҳосиласидир.

I. РАҲБАР АХЛОҚИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Раҳбар ахлоқини ўрганишнинг тарихий ва маънавий асослари.

Яхшилик ва ёмонлик нима, адолат ва адолатсизлик, ҳаёт мазмуни нима, шахсий ва ижтимоий манфаатларни қандай мувофиқлаштириш мумкин, ҳақиқий ва сохта кадриятлар қайсилар, қандай инсонлар бошқаларга раҳбарлик қилишга ҳақли, қайсилари ҳақсиз ва ҳоказо. Бу каби “абдий” саволлар жамиятда қадимдан мавжуд. Улар инсонларнинг ҳаётий заруриятларидан келиб чиқади. Ушбу саволларнинг жавоби эса ахлоқнинг моҳиятини белгилайди.

Жамоадаги меҳнатда, изланиш соҳасида, маъмурий ва ижтимоий фаолиятда, оилавий муносабатларда, дам олишда - ҳамма ерда инсон бошқа одамлар билан мураккаб алоқа тизимида дуч келади, бинобарин бу мулоқот даврида онгли равишда у ёки бу тамойиллар, ахлоқ нормаларини қўллайди. Шу билан бирга, бу ахлоқнинг ижтимоий ўрнини тушунишда энг асосийсидир, инсон ўз ахлоқий қарашларини бошқа одамларнинг ушбу жамиятда ҳукмронлик қилаётган ахлоқ тамойиллари ва меъёрлари билан мослаштиришга мажбурдир. Дарҳақиқат, агар ҳар бир инсон ўз билганича иш тутса ва ўз ахлоқий меъёрларини ўзгаларнинг тўғрилиқ, адолатлилик тамойиллари билан мувофиқлаштирмаса, унда инсон жамияти мавжуд бўла олмайди. Жамият – биринчи навбатда кўпчилик инсонлар ҳаётини қандайдир умумий қоидаларга бўйсундирувчи аниқ яхлитликдир. Ахлоқий амалиёт инсон жамиятида ўзаро муносабатларни бошқаришнинг объектив заруриятдан вужудга келган, бу инсон ва бошқа одамлар орасидаги, инсон ва жамият орасидаги тизимлар, кўрсатмалар ва ҳоказолар орасидаги муносабатлардир. Ахлоқнинг бош вазифаси ҳам айнан шундадир. Бундай бошқарув инсонларнинг жамият доирасида яшаб кетишларининг зарур шартларидан биридир.

Давлат ва давлатлараро муносабатлар ривожини тарихий вақт нуқтаи назаридан давлат бошқаруви маданиятининг ривожланишига олиб келган. Муносабатларнинг шаклланиши натижасида давлат бошқарувининг илмий-назарий асослари шаклланган. Айни пайтда, давлатнинг вужудга келиши билан бошқарувга эҳтиёж туғдирган бўлса, бундай эҳтиёж сиёсат билан амалга оширилган. Аммо сиёсатнинг томонлар манфаатларига мос келиши, унинг тенглик ва адолат тамойилларига бўйсундирилиши фақат ахлоқий кадриятлар негизида амалга ошириш мумкинлиги англаб етилган. Лекин, шунга қарамадан унинг амалий ижросини таъминлаш ниҳоятда қийин кечган.

Албатта, бугунги кунда давлат бошқаруви ва раҳбарлик фаолиятининг ахлоқий ва маънавий қиёфаси кенг кўламда ўзгарди. Нафақат давлатлатчиликнинг ахлоқий-этик кадриятлари ва цивилизация йўналишлари, ҳатто асрлар оша йиғилган сиёсий тажрибалар ҳам тамомила ўзгача бўлди. Аммо раҳбар фаолияти сиёсатининг такомилида ҳамон ахлоқий маънавий кадриятларга бўлган эҳтиёжи сақланиб келмоқда. Қолаверса, замонави раҳбарлик қандай бўлади ва унинг асосларини қандай муносабатлар ташкил этмасин, у миллий ахлоқий кадриятларга асосланиши тўғрисидаги масала ўз моҳиятини ҳозир ҳам йўқотган эмас.

Холбуки, айнан шу ечимнинг ахлоқий кадриятларга суяниши тарихда давлатларнинг истикбол ривожини таъминлаб келган. Соддароқ қилиб айтганда, давлат бошқарувининг ахлоқий кадриятларга суяниши унинг кудрати ва равнақининг кафолатига айланган. Тарихда бундай давлатлар тажрибасидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айни пайтда, умуминсоний кадриятларга зид бўлган, урф-одат ва анъаналарни оёқости қилган давлат бошқарув сиёсати доимо таназзул билан якунланган.

Аммо, афсуски давлат бошқарувида аксарият ҳолларда ахлоқий сиёсат ўрнини кўпроқ бирёқлама манфаатлар, қабиҳлик ва разолат билан йўғрилган сиёсий ўйинлар эгаллаб, бу ўйинлар тажоввуз ўтказиш, бошқаларни тобе этиш билан ифодаланиб келинган. Яъни айёрлик, фитна ва фириб, товламачилик раҳбар бошқарувининг мазмунида намоён бўлиб келган. Аникроғи шу восита билан ўз амалларини рўёбга чиқаришган. Натижада сиёсат борган сари ўз моҳият-мазмуни ва масъулият вазифасидан узоқлашган. Шунинг учун раҳбар фаолиятида ахлоқ моҳиятан миллат ва давлат яшовчанлигини таъминловчи омил эканлигини, уларсиз жамият “рангсиз бир маконга” айланишини айтиш мумкин. Дарҳақиқат, бизнингча “бутун олам тортилиш қонуни” дунё яхлитлиги учун қандай улкан аҳамият касб этса, давлат бошқарувида раҳбар ахлоқи ҳам шундай салмоққа эга. Зеро, 700-800 йил илгари Герман миллатлари Рим империяси раҳбари Фридрих II нинг “Сиёсат – бу ҳукмдорнинг фирибгарлиги ва виждонсизлигини ниқоблаш учун ўйлаб чиқарилган” деган фикридан, машҳур “сиёсатда тулкилик қилган ютади” – деган Макиавеллидан, Уинстон Черчиллнинг тарихан куни кеча “сиёсат – бу сиёсатчининг эртага, бир ҳафта ва бир ой кейин нима бўлишини башорат қилиши ва кейин унинг рўёбга чиқмаганлигини тушунтира олиш маҳорати” деган хулосалари ахлоқсиз раҳбарнинг ёрқин наъмунаси ҳисобланади. Қизиғи шундаки, қуруқ найранг ва лўттибозликка асослаган раҳбар фаолиятини сиёсат деб, ана шундай “сиёсатнинг” назарий таълимотларини ҳам яратишга эришилган. Айни пайтда, бундай таълимотнинг бир талай нуфузли издошлари ҳам бўлган. Аммо, Шарқ таълимотида ёки давлат бошқаруви билан боғлиқ бўлган ўғитларда раҳбар фаолиятининг ахлоқсиз тамойилларини назарий жиҳатдан вужудга келтиришга ва яна унинг амалийлигини асослашга ўринишлар бўлмаган.

Аждодлармиз томонидан яратилган бетакрор асарлар давлатчилик бошқаруви асослари, раҳбар ахлоқи мезонлари, жамият бошқаруви борасидаги ноёб тарихий, адабий манбалар яратилган. Мазкур кадриятлар миллий давлатчилигимизнинг пойдевори бўлиб, уни ўрганиш, тадбиқ қилиш, замонавий давлатчилик талаблари билан уйғунлаштириш миллатимизимизнинг ўзига хос анъаналарини ривожлантириш имкониятларини янада очишга хизмат қилади.

Президент И.А.Каримов «Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган»⁵, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, Мовароуннаҳрда пайдо бўлган улкан маданий мерос инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий маданият сифатида давлатчилик ташкил топишининг ахлоқий асосларини яратишга хизмат қилган. Айни пайтда, мустақиллигимиз шарофати билан миллий-маънавий меросимизни ўрганиш имконияти халқнинг тарихий хотирасини тиклашда, давлатчилик маданиятимизни ўзлаштирган сари руҳан ва маънан соғлом ҳамда бақувват бўлишда, олдимизда турган мақсадларимизни амалга оширишда фаол бўлишимизга хизмат қилмоқда. Зеро, миллат руҳияти кучли бўлсагина, давлат тараққиёти ва истиқболи порлоқ бўлади.

Ана шундай миллий руҳиятимизнинг маънавий ва ахлоқий манбаси бўлиб келаётган куч – «Авесто»дир. Мазкур бебаҳо маънавий меросимизни аждодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қарашлар йиғиндиси, дейиш мумкин. «Авесто»да илгари сурилган ғоялар, бугун миллий ғоямизнинг бош йўналиши – адолатпарвар, демократик жамият барпо этиш вазифалари билан ҳамоҳанг эканлигини кузатамиз.

Мазкур тарихий асарда, аввало инсоннинг ахлоқий комиллиги, маърифий етуклиги, руҳий соғломлиги масалалари устувор вазифалар каторида қўйилади. Жумладан, каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор қарашлар ахлоқий кадриятлар белгиланган. «Авесто» ўша замонда яшаган одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда ахлоққа бўлган эҳтиёж ва зарурият натижасида юзага келган манба бўлиб ҳисобланади дейиш мумкин.

«Авесто» да илгари сурилган ғоялардан яна бири - давлат ва уни идора этувчи ҳокимлар ҳақидаги фикрлардир. Бу борада «Яхшилик таълимини ва садоқатни амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукум юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширсинлар...» деб кўрсатилган. («Ясна» 48)⁶.

⁵ Каримов И.А. Асарлар тўплами. 7- жилд. -Т.: Ўзбекистон. 1999. –Б.132.

⁶ Қаранг: Отамуродов С. «Авесто» миллий ғоямиз манбаи // Жамият ва бошқарув. 2002, № 2.сон, Б-36.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/5325> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/5325> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5325>